# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 15 июнь, № 117 (5284) Чоршанба

# УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Президенти Дмитрий Медведев 13 июнь куни амалий ташриф билан Тошкентга келди.**



Кўксарой мажмуида 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлар экан, Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи юксак даражадаги ўзаро муносабатларнинг яққол далили эканини таъкидлади. Бу икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи барча соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги қатъий сиёсий интилишларнинг тасдиғидир.

Томонлар бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда.

Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги энг йирик ҳамкорларидандир. Ўзаро савдо ҳажми муттасил ўсмоқда. Ўтган йили бу соҳада қарийб 50 фоиз ўсишга эришилди ва товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг жорий йил 31 май куни бўлиб ўтган мажлисида янги тармоқлар ва маҳсулотларни жалб қилиш ҳисобига иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Россияга табиий газ, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металл, механик ва электр асбоблари, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик фаоллашиб, Ўзбекистондан Россияга мева ва сабзавот етказиб бериш ҳажми ўсмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик динамикаси ва диверсификацияси қўшма корхоналар сони кўпайиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 843 Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Россиянинг 135 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россия Федерациясида ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 қўшма корхона ишлаб турибди.

Сармоявий ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу борада гап кетганда, ёқилғи-энергетика мажмуи, геологоразведка, конларни қидириш ва ўзлаштириш соҳасида инфратузилмаларни ривожлантириш мақсадида "Газпром", "Лукойл", "Союзнефтегаз", "Стройтрансгаз", "Волгабурмаш" каби компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кенг миқёсли ишларни алоҳида қайд этиш жоиздир.

Таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларни қамраб олган гуманитар ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда.

Фан ва таълим соҳасидаги алоқалар устувор аҳамият касб этади. Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиаллари фаолияти мазкур йўналишдаги ҳамкорлик самараларига ёрқин мисолдир.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Россия учрашувида икки томонлама ҳамкорликка оид муҳим масалалар билан бир қаторда халқаро сиёсатга доир долзарб муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехник иншоотлар қуриш учун қўшни мамлакатларнинг розилигини олиш ҳамда бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар минтақадаги вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши давлатлараро ва минтақалараро ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Олий даражадаги мазкур учрашув ўзаро муносабатлар ва томонларни қизиқтирган бошқа кўплаб долзарб масалалар юзасидан ёндашувларни солиштириб олиш учун яхши имконият бўлди. Эришилган келишувлар яқин истиқболда Ўзбекистон ва Россия халқлари фаровонлигига хизмат қиладиган ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган аниқ ҳужжатлар, ўзаро манфаатли лойиҳалар учун асос бўлиши шубҳасиздир.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

# ИСЛОМ КАРИМОВ ОСТОНА ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 14 июнь куни Остона шаҳрига жўнаб кетди.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСТОНА ШАҲРИГА КЕЛДИ

ОСТОНА. 14 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига келди.***

Ушбу учрашув Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлатлари томонидан 2001 йил 15 июнда асос солинган ШҲТнинг юбилей саммитидир.

Ўтган ўн йил янги халқаро тузилманинг шаклланиш жараёнида муҳим босқич бўлди. Ушбу тарихан қисқа даврда ШҲТ ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўтган саммитлардан бирида таъкидлаганидек, «ШҲТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас».

Ўтган 10 йил мобайнида ШҲТда замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишни, ШҲТга аъзо давлатлар ва умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, социал-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон ШҲТдаги иштирокига улкан масъулият билан ёндашади. Мамлакатимизнинг 2004 ва 2010 йилларда мазкур ташкилотга раислик қилгани, Ўзбекистон ташаббуси билан ушбу ташкилот фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлар, жумладан, ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, ШҲТ процедуралари қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, Ўзбекистон раислиги даврида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Саммитнинг биринчи куни дастури доирасида ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи давлатлар раҳбарлари ва бошқа иштирокчилар учун «Қозоғистон» марказий концерт залида юбилей концерти намойиш этилди.

Шу куни ШҲТнинг 10 йиллигига бағишланган бошқа тадбирлар ҳам бўлиб ўтди.

ШҲТ саммити 15 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

# Тошкент форумининг якуний хулосаси БМТ диққат-эътиборида

***БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Умумжаҳон сув кенгаши кўмагида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган, 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида ўтказиладиган VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик доирасидаги "VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар" мавзуидаги халқаро конференция якунлари тўғрисидаги ахборотни ўзида мужассам этган "Сув ресурслари — барқарор ривожланиш ва келажак тараққиёти асосидир" номли якуний ҳужжат тарқатилди.***

**Дунё нигоҳи**

У БМТ ҳузуридаги 192 давлат миссияси ҳамда БМТнинг асосий тузилмавий бўлимлари ва ташкилотлари ўртасида 6 та расмий тилда тақдим этилди.

Тадбирда дунёнинг 32 мамлакатидан 350 дан зиёд экспертлар, олимлар ва экология соҳаси мутахассислари қатнашди. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар, хусусан, сув ресурсларини сақлаш кейинги пайтларда долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлашди. Шу ўринда бугунги кунда сайёрамизда бир миллиарддан ортиқ киши тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум экани қайд этилди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган қутлов мурожаатида келтирилган минтақадаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш муаммоларига Ўзбекистоннинг асосли ёндашувлари, давлатимиз раҳбарининг минтақадаги ҳар бир давлат томонидан умумқабул қилинган халқаро сув ҳуқуқи меъёрлари ва қоидалари асосида трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланишда тенгликни таъминлаш, ҳар бир давлат учун ўзаро манфаатдорлик ва адолат билан фойдаланишга кафолат берадиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмини яратиш борасидаги таклифларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, унда Тошкент халқаро анжумани вакиллари Ўрта Осиёда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммони муҳокама қилишгани ҳақида маълумот берилади. Хусусан, халқаро конференцияда минтақадаги ҳар бир давлат ҳудудидаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланишда сув оқими бўйидаги бошқа давлатларга зарар етказилишига йўл қўймаслик ҳақида гап борди. Тадбирда сўзга чиққан хорижлик экспертлар Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатларнинг трансчегаравий сув ресурсларидан ноокилона фойдаланишга интилишлари амалдаги халқаро меъёрларнинг бузилишига сабаб бўлиб, барчани жиддий хавотирга солаётганини таъкидлашди.

Тақдим этилган ҳужжатда сув ресурсларини тартибга солиш ва тежашни рағбатлантириш Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланади. Жумладан, мамлакатнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган даражада шакллантирилган миллий қонунчилиги мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бугун Андижон байрам оғушида. Меҳмон кутиб, меҳмон кузатяпти. Гарчи, жаҳон ва миллий меъморчилигимизнинг илғор анъаналарини ўзида мужассам этган гўзал ва мафтункор "Ўзбекистон" кўчасининг очилиш тантаналари ўтганига анча бўлиб қолган эса-да, бу жозибадор гўшага келиб-кетувчиларнинг, қизиқувчиларнинг сафи кун сайин ошиб боряпти. Андижоннинг ҳар икки ёқаси турфа гулларга, дов-дарахтларга бурканган сўлим кўчалари, фусункор боғлари, оромижон хиёбонлари шаҳар аҳли, меҳмонлар билан кечаю кундуз гавжум.

## Андижон:

# ГЎЗАЛ, ЛАТОФАТЛИ, САОДАТЛИ

**Фахр**

— Муҳтарам Президентимиз ўтган йил баҳорида вилоятимизга ташрифлари чоғида, шаҳримиздаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиб: "Менинг мақсадимни Андижон халқи тўла тушуниб, ҳаётга татбиқ этибди", дея ўз мамнунликларини изҳор этган эдилар, — дейди Андижон шаҳар бош меъмори Маннопжон Бўронов. — Ўшанда давлатимиз раҳбари қайта қурилаётган марказий кўчалардан бирини Ўзбекистон деб аташ ҳақида таклиф билдириб, бу ердаги қурилиш ва инфратузилмани шакллантириш борасида ўз маслаҳатларини берган ҳамда бу тажрибани мамлакат миқёсида оммалаштиришни ўртага ташлаган эдилар. Орадан кўп ўтмай, давлатимиз раҳбарининг "Андижон вилоятида 2011 — 2015 йилларда тураржой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш учун вилоятимизга салкам 1,7 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу қарор Юртбошимизнинг юксак ишонч ва эътирофи, таъбир жоиз бўлса, Андижонимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди, "андижонликман" деган ҳар бир фуқаронинг қалбига сурур бағишлади, бунёдкорлик ишларини юксак мақомга кўтарди.

Мана, кун сайин дунёга юз тутиб, эзгу ишлари, ташаббуслари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бораётган жонажон Ўзбекистонимиз номи билан аталадиган ўша кўча. Бир қарашда азим пойтахтимиз Тошкентнинг серфайз, гавжум кўчаларини эслатиб юборадиган мазкур гўша ўз кўрки, савлати, салобати, қолаверса, бу ерда яратилган қулайликлар, чиройи ва латофати билан ҳар қандай кишини лол қолдиргулик даражада улуғвор. Бунёд этилган фусункор фавворалар Париж фаввораларидек, хиёбонлар эса Лондон хиёбонларидек жозибали, беназир...

Ярқираб, ярақлаб турган кўчанинг ҳар икки ёқасида бири-биридан муҳташам, меъморий ечими бетакрор, ҳар бири ўзига хос, икки, уч, тўрт қаватли бинолар қад ростлаган. Турфа гуллар оғушидаги озода йўлаклар, мўъжаз хиёбонлар, фавворалар кўчага алоҳида файзу тароват бахш этган. Биноларнинг биринчи қаватидаги замонавий савдо дўконлари, маданий-маиший хизмат шохобчалари, ошхона, чойхоналар, салқин ичимликлар, ширинликлар, музқаймоқлар билан савдо қилувчи масканлар одамлар билан тўла. "Анжанча" дўпписини чаккасига келиштириб қўндирган, юзларидан нур ёғилиб турган, меҳмон учун ҳамиша дастурхони ёзиғлик, дилкаш ва улфати, бағрикенг ҳамда беғубор, тадбирли ва тиниб-тинчимас андижонликларнинг чеҳрасида ўз шаҳарларидан, бу ердаги ўзгаришлару бунёдкорлик ишларидан чексиз ғурур, фахр-ифтихор ҳисси шундоққина акс этади.

— Президентимизга қуллуқ, — дейди ўзини Аҳмадали Дадабоев дея таништирган нуроний отахон. — Кўриб турганларингиз ана шу уч қаватли бино ўрнида пасқам, кўримсизгина гўшт дўкончамиз бўларди. "Кўча ёқасидаги уйлар бузиларкан, дўконлар ҳам олиб ташланаркан" дейишганида, бир оз ачинганим рост. Ҳаш-паш дегунча, бузди-бузди, қурди-қурди бошланиб кетди. Меъмору қурувчилар бел боғлаб келишди. Ғишт десак ғишт, семон десак семон... ҳамма нарсани ўз вақтида етказиб бериб туришди. Зарур бўлганда, банклар маблағи билан хизматимизга келди.

(Давоми 2-бетда).

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – УСТУВОР ВАЗИФА

***Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа, бу — қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.***

**Парламент назорати**

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган қўшма мажлисида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, соғлиқни сақлаш, экология соҳасидаги давлат дастурларининг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ижро этилишини ўрганиш натижалари Юртбошимизнинг мана шу талаблари асосида муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидланганидек, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида мазкур қонунлар ва давлат дастурларининг ижро этилишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар олиб борилаётир.

Хусусан, Сурхондарё вилоятида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун нормалари талабларини ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат дастурларида назарда тутилган чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 2 миллион 114 минг кишилик нуфусга эга вилоятда ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пунктлари сони 243 тага етган. Бу 2000 йилдагига қараганда икки баравар кўпдир. Вилоятда 68 та шифохона, 67 та амбулатория-поликлиника, 16 та давлат санитария-эпидемиология назорат маркази аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келаётир. Ўтган йили вилоят амбулатория-поликлиника тармоғи муассасаларида 1,5 миллион кишидан ортиқ, жумладан, салкам бир миллион нафар қишлоқ аҳолиси тиббий кўрикдан ўтказилган.

(Давоми 2-бетда).

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент вилояти аҳолисига ҳам 394 та даволаш-профилактика муассасаси хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг январь — февраль ойлари давомида вилоятдаги 721 минг нафардан ортиқ фертил ёшидаги аёлларнинг 195 минг нафардан зиёди тиббий кўрикдан ўтказилиши натижасида 60 минг нафарга яқин аёл даволаш-соғломлаштириш тадбирларига жалб этилди.

Мазкур вилоятларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, экология соҳасидаги давлат дастурларининг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ижро этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳам бу йўналишда тизимли ҳамда аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган 2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини ижро этиш мақсадида, Термиз шаҳридаги оқова сувларни тозалаш иншоотининг иккинчи навбати қурилиши тугатилди. Бунда 1 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Термиз тумани Каттақум массивининг 732 гектар майдонида кўчма қумларни ушлаб қолиш мақсадида саксовул ва черкес кўчатлари экилди. Пскент тумани ва Олмалиқ шаҳри аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида, 21 километрлик сув тармоғи таъмирланди. Оққўрғон, Чиноз, Бекобод туманларидаги марказий шифохоналарда сув тозалаш иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси талабларини ижро этиш мақсадида, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталари томонидан тегишлича назорат ўрнатилган.

Шу билан бирга, сенаторлар ушбу қонунлар ва тегишли давлат дастурлари ижро этилишини таъминлашда мавжуд бўлган камчиликларга ҳам эътиборни қаратдилар. Хусусан, иккала вилоятнинг айрим туман ва шаҳарларида, шу жумладан, Ангор, Бойсун, Сариосиё, Қумқўрғон, Бекобод туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида фертил ёшидаги аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, болалар ўлимини камайтириш бўйича профилактика ишлари етарли даражада олиб борилмаётир. Айрим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари, хотин-қизлар қўмиталари ўз фаолиятларида аҳоли соғлиғини сақлаш масалаларига доир қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга кам эътибор қаратмоқда, шифо масканлари эса фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириши айни заруратдир. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасида белгиланган ваколатларни оғишмай амалга ошириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада кучайтириш талаб қилинади. Шу билан бирга, қўшни давлатнинг “Тожикистон алюмин компанияси” давлат унитар корхонаси томонидан атмосферага фторид водородини чиқариши давом этаётганлиги туфайли Сурхондарё вилоятининг чегарадош Сариосиё тумани ҳудудида экологик вазият ёмонлигича қолмоқда.

Мажлисда сенаторлар юқорида айтиб ўтилган қонунлар ва соғлиқни сақлаш, экология соҳасидаги давлат дастурларининг ижро этилишини таъминлаш ишларини янада кучайтириш, аҳоли соғлиғини сақлаш сифатини яхшилаш, фертил ёшидаги аёллар орасида касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини, аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ишини фаоллаштириш, соғлиқни сақлаш органлари, табиатни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар қўмиталари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини ҳам таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қўшма қарор қабул қилинди.

Қўшма мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари Кенгашлари депутатлари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, олимлар ва экспертлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# АГРАР СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига хизмат қилади

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижросига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.*



Тадбирда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барча соҳалар қатори, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам изчил олиб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, ҳисобот даврида фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор янада кучайтирилди. Бу эса 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 6,8 фоиз ўсишига замин яратди. Бунда бюджетдан 1033,5 млрд. сўм маблағ аграр ва сув хўжалиги соҳасига сарфлангани муҳим омил бўлди, албатта.

Шунингдек, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг рақобатбардошлилигини ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида 104,2 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Йиғилишда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир қатор ишлар рўёбга чиқарилганига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, 106 та объектда реконструкция ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, 647,2 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоғида қурилиш ишлари бажарилгани, 6 та мелиоратив насос станцияси, 3 та гидротехника иншооти барпо қилингани ва реконструкция ишлари рўёбга чиқарилгани қайд этилди. Бундан ташқари, пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бир қатор объектларда таъмирлаш-тиклаш, тозалаш ишларини бажариш жараёнлари ҳам давом эттирилди.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Айни пайтда ҳисобот йилида жамғарма томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 172 та пудратчи ва буюртмачи ташкилотда кўплаб молиявий хато ҳамда камчиликларга йўлга қўйилганлиги аниқланди.

Тадбирда бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазаси тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётгани ҳақида ҳам сўз борди. Шунинг учун ўтган йили табиатни асраб-авайлаш, биохилма-хилликни ҳимоялашга 31,3 млрд. сўм, оқова сувларни тозалаш ишларига 5,2 млрд. сўм миқдорида маблағ сарфланган.

— Мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги салоҳиятини ошириш учун 2011 йилнинг биринчи чорагида 197,4 млрд. сўм сарфланди, — дейди қўмита раиси М. Тешабоев. — Ҳисобот даврида Суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тизимдаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун 9,1 млрд. сўм инвестиция жалб қилинди. Бундан ташқари, ўтказилган текшириш натижасида аниқланган молиявий қоидабузарликлар бўйича ҳужжатлар айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборилди.

Тадбирда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, бюджет тизимини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

## аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омилдир

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилган. Ўз навбатида, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорни маҳаллий товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, демакки, юрт равнақи ҳамда эл фаровонлигига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва шу асосда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тараққиёт марраларига эришишда айни муддао бўлаётир.***

Табиийки, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ислоҳотларни изчил ривожлантириш ва жадаллаштириш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш муҳим вазифалар сирасига киради. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ўтган йил парламент палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, бу борада бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Шубҳасиз, ушбу дастурилламал ҳужжатда илгари сурилган бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклиф алоҳида аҳамиятга эга. Боиси, унинг рўёбга чиқарилиши республикамиз иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини юксалтириш, шу жумладан, янги иш ўринларини ташкил этиш, демакки, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, бу борада қонунчилик пойдевори яратилиши оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асослари ва кафолатларини белгилаб беришга замин бўлади. Шу орқали мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида бизнеснинг ушбу йўналиши жадал ҳамда кенг ривожланишига шароит яратилади.

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Негаки, тадбиркорликка дастлабки қадам айнан оилада, маҳаллада ташланади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур соҳа нафақат хонадон, балки шу оила истиқомат қилувчи ҳудуд аҳолисининг ижтимоий манфаатларига тўла ҳамоҳангдир. Яъни маҳаллада ташкил этилган тадбиркорлик субъекти барча учун қулайликлар яратиш баробарида, одамларни фойдали меҳнатга жалб этиш имкониятини ҳам кенгайтиради. Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралса, маҳалла кичик бизнеснинг ўзимизга хос миллий йўналиши — оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш учун энг қулай маскан саналади. Айтиш жоизки, халқимизнинг бир неча минг йиллик анъана ва тажрибаларига уйғун оилавий бизнесга ихтисослаштирилган маҳаллалар сони кўпайиб бормоқда.

Концепцияда ҳам бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши ҳамда бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ушбу ҳаётий таклифнинг амалга оширилиши эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга имкон яратади. Бу йўлда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш бу вазифаларни ижобий ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Айни пайтда Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш устида ишлар олиб борилмоқда. Қонун лойиҳасида хўжалик юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий корхона, унинг фаолият соҳаларини ҳам аниқ белгилаган ҳолда киритиш, оилавий корхона иштирокчиларини, оилавий корхонани рўйхатга олиш ва уни тугатиш механизмларини белгилаш, оилавий корхонанинг инфратузилмага боғланишининг соддалаштирилган механизмларини қўллаш, оилавий корхонада бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибларини аниқлаштириш каби ҳуқуқий асосларни яратиш мақсад ва вазифалари кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунё иқтисодиётида оилавий бизнес изчил ривожланиб бормоқда. Чунончи, кўплаб ривожланаётган давлатлар ялпи ички маҳсулотида оилавий бизнеснинг улуши 55 фоизгача етар экан. Буларнинг барчаси юртимизда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш айни зарурат эканлигини кўрсатади. Негаки, бизнеснинг ушбу тармоғини ривожлантириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит етарли. Айниқса, жойларда оилавий сулолалар томонидан узоқ йиллар давомида ривожлантирилиб келинаётган оилавий касб-корлар асосида оилавий бизнес субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда ҳам оилавий тадбиркорлик корхоналарини ташкил қилиш айни муддаодир.

Янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин бўлган фаолият турларини аниқ белгилаш, бундай тузилмаларни давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократик тўсиқларнинг олдини оладиган тартибларни жорий этиш, ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш талаб этилади. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда хориж тажрибасининг илғор ютуқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти ислоҳотлари шароитида мулкдорлар синфининг кенгайишига қулай шарт-шароит яратади. Айни пайтда аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтиришдек залворли юмушларни оддий механизмлар асосида амалга ошириш мумкин бўлади.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМФИКРЛИЛИК МАСКАНИ

***Навоий вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари муваффақиятли якунланди. Бу ижтимоий-сиёсий тадбир натижасида 340 нафар ташкилотчи, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга, муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок эта оладиган раислар ва уларнинг 3600 нафардан зиёд маслаҳатчиларига ишонч билдирилди.***

— Бу ўринда вилоятда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига пухта ҳозирлик кўрилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилди, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Х. Ибрагимов. — Айни чоғда аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, сайлов қонунчилиги, ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирнинг аҳамияти, номзодларни танлаш мезонлари юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, фуқаролар ўз вакиллари орқали сайловларда фаол қатнашиб, муносиб раис ва маслаҳатчиларни танлаб олишди. Масалан, Томди туманидаги 7 та овул фуқаролар йиғини раислигига 21 нафар номзод кўрсатилган бўлиб, улар орасидан сиёсий билим ва катта ҳаётий тажрибага эга, ишчан кишилар сайланганини мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

Шу ўринда сайлов жараёнларида маслаҳатчиларни танлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилганлигини айтиб ўтиш зарур. Вилоятда сайланган маслаҳатчиларнинг 274 нафари иқтисодчи, 35 нафари ҳуқуқшунос, 955 нафари ўқитувчи ва 2339 нафари бошқа касб эгалари эканлигини инобатга олсак, маҳаллаларимиз тақдири ишончли қўлларда эканлигига амин бўласан, киши.

— Маҳалла раиси ҳар қанча ташкилотчи, ҳар қанча билимдон бўлмасин, агар унинг ёнида ўзи ишонган маслаҳатчилари бўлмаса, кўзланган натижаларга эришиш қийин, — дейди Х. Ибрагимов. — Шу сабабли маслаҳатчиларни сайлаш жараёнида номзодларга катта талаблар қўйилди. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини теран англаган, фидойи кишилар бу лавозимларга сайланди.

Умуман олганда, Навоий вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қонунийлик, очиқлик ва ошкоралик тамойилларига мувофиқ ҳолда ўтказилди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига сайланган юртдошларимиз аллақачон маҳалласи нуфузини юксалтириш ишларига киришиб кетди. Зеро, улар маҳалла юксалса, Ватан тараққий этади, деган фикрдан келиб чиққан ҳолда, маҳаллани обод қилишни ва шу орқали мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишни энг муҳим вазифа, деб биладилар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тошкент форумининг якуний хулосаси БМТ диққат-эътиборида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича БМТ Конвенциясига қўшилди.

Якуний ҳужжатда асосий эътибор минтақанинг барча давлатлари томонидан халқаро сув ҳуқуқи меъёрлари ва тамойилларининг қабул қилиниши ҳамда уларга сўзсиз риоя этилиши, Ўрта Осиёда барқарор ривожланиш тамойилларини илгари суриш ва экологик мувозанатни сақлаш, трансчегаравий сув ресурслари ва сув хўжалиги инфратузилмасини биргаликда тартибга солиш ҳамда фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида минтақа давлатларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлигига қаратилган.

**«Жаҳон» АА.**
Нью-Йорк

# Андижон: ГЎЗАЛ, ЛАТОФАТЛИ, САОДАТЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яшириб нима қилдим. Уч ўғлимдан иккитасига қаердан уй-жой қилиб берсам, деб бошим қотиб юрган эди. Янги бино битиши билан, бу муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлди. Биринчи қаватда замонавий гўшт павильони, ошхона-чойхона очдик. Ўғил-қизларим, келинларим ҳаммалари ишли бўлишди. Иккинчи-учинчи қаватларга ўғилларим, келинларим, невараларим билан ўзимиз жойлашдик. Уй эмас, нақд кошона. Жоннинг роҳати!

— Тўрт қаватли биномизнинг биринчи қаватида ёшларимиз учун спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этдик, — дейди “Бобур — 88” хусусий фирмаси раҳбари Бахтиёр Рўзиев. — Иккинчи қаватда мебель магазинимиз бор. Учинчи қаватда модалар ательеси ишлаб турибди. Тепа қаватда эса оила аъзоларимиз билан яшаяпмиз.

— Эски, пасқам уйимиз ўрнида уч қаватли замонавий бино қурдик, — дейди яна бир хонадон соҳиби, хусусий тадбиркор Беҳзодбек Ҳакимов. — Бу борада “Ҳамкорбанк”дан олган 50 миллион сўмлик кредит қўл келди. Қисқа муддатда уч қаватли, ҳашаматли бинога эга бўлдик. Биринчи қаватни савдо дўкони қилдик. Иккинчи қаватда оила аъзоларимиз билан яшаяпмиз. Учинчи қаватда тикувчилик цехи очиш ҳаракатидамиз. Бу ниятимиз амалга ошиши билан 20 та иш ўрни яратилади.

— Уч қаватли савдо мажмуасини биринчилар қаторида қуриб битказгандик, — дея суҳбатимизга қўшилади “Ойбек савдо сервис” масъулияти чекланган жамияти раиси Озодбек Мансуров. — Эндиликда шаҳримизнинг азиз меҳмонларига атаб тўрт қаватли, замонавий меҳмонхона қуряпмиз. Бу бинони Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига тўёна қилмоқчимиз.

— Ўзбекистон кўчасида серқуёш юртимизнинг бутун жозибаси, кўрку тароватини акс эттиришга ҳаракат қилдик, — дея сўзида давом этади шаҳар бош меъмори. — Замонавий бинолар қуриш билан бир йўла муҳандислик-коммуникация тизими янгиланди. Неча йиллар ер остида қолиб, хизмат муддатини ўтаб бўлган канализация, ичимлик суви тармоқлари янги, мустаҳкам, зах ва босимга чидамли қувурларга алмаштирилди. Коммуникация тармоқларини ер остига олиш малакали мутахассислар томонидан тайёрланган ягона лойиҳалар асосида амалга оширилди. Бу, демак, кўчанинг икки ёқасидаги 169 та тадбиркорлик субъекти эндиликда ичимлик суви, газ, электр линияси тортиш ташвишидан қутулди. Йўл бетон тўсиқлар билан иккига ажратилиб, ҳар икки тарафга дунё андозаларига мос ёритқичлар ўрнатилди. Пиёдалар йўлаги ёқалари кўкаламзорлаштирилди. Ариқлар бўйлаб каштан, дуб, япон софораси, қрим соснаси, оққайин, арча каби манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.



Кўчада сайр этиб юрган одамлар билан суҳбатлашамиз.

— Мирзараҳим Бадаловман, — ўзини таништиради нуроний отахон. — Шу кўчада яшайман. Истиқлолга етказганига шукр. Юртбошимизга раҳмат, қаранг, кечаги оддий ишчи тадбиркорга айланди. Мулкдор бўлди. Гул гулни кўриб, ранг олади, деганларидек, ҳамшаҳарларимиз дилида янги-янги эзгу режалар билан яшаяпти. Нимадир қурсам, яратсам, шундай замонага муносиб бўлсам, деяпти. Масалан, менинг ўзим ҳам ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай, фарзанд ва набираларимни ёнимга олиб янги тушган кўп қаватли уйимнинг биринчи қаватида макарон цехи очдим. Автомобилларни ювиш шохобчасини ташкил қилдим.

— Бу кўчанинг очилишини, Андижондаги “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган катта байрамни телевизорда томоша қилгандим, — дейди наманганлик меҳнат фахрийси Жўрахон ота Умрзоқов. — Бугун эса атайин ана шу ўзгаришларни кўриш учун келдим. Ҳақиқатан, Андижондаги катта ишларни, қурилишларни кўриб ҳайратга тушдим. Назаримда, кўчанинг Ўзбекистон деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шу кўча тимсолида Ўзбекистонимизнинг 20 йил мобайнида эришган ютуқлари, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти, бугунимиз ва эртанги истиқболимиз, орзу-ҳавасларимиз шундоққина акс этиб турибди.

Худди шундай. Сўзида собит, янгиликка ўч, азму шижоати баланд Андижон аҳли Президентимизнинг ўзларига билдирган ишонч-эътирофларига жавобан, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги олдидан “Биз қандай яшашимиз керак?” деган тушунчани халқимизга кўрсатиш учун ҳам Ўзбекистон кўчасининг дастлабки 1,7 километрлик қисмини тўла битказиб, байрам қилди. Бу байрамга бутун мамлакатни чорлади.



Қурилиш-бунёдкорлик ишлари эса давом этаяпти. Кўчанинг 4,5 километрлик иккинчи қисмида, 247 та объектда иш аниқ маромда бормоқда.

Андижон бугун улкан қурилиш майдонига айланган. Шаҳарнинг бир эмас, ўнта чорраҳасида, Истиқлол, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Чўлпон, Миллий тикланиш кўчаларида, жами 1248 объектда қурилиш ишлари авжида. “Бу кўчаларни ҳам худди Ўзбекистон каби яшнатамиз. Халқимиз учун барча шароитларни яратамиз. Бу имконни бизга Истиқлол берди”, дейишмоқда андижонликлар.

Нафақат Андижон шаҳрида, вилоятнинг барча туманларда, марказдан олис қишлоқларда ҳам қурилиш-бунёдкорлик ишлари қизғин бормоқда. Шу ўринда муқояса учун айрим маълумотларни келтириб ўтсак. 1991 йилда вилоятда атиги икки ёки учта ғишт заводи бўлиб, бир кунда 80 минг дона ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, бугун вилоят шаҳар-қишлоқларида 65 та ғишт заводи фаолият кўрсатиб, бир кунда 1 миллион 300 минг дона ғишт ишлаб чиқарилаяпти.

— Қурилиш кўламининг кенглигини қарангки, ана шунча ғишт ҳам етмаяпти, — дейди вилоят бош меъмори Қўчқор Норматов. — Шу боис, кунлик ғишт ишлаб чиқариш қувватини 2 миллион 362 минг донага етказишга ҳаракат қилаяпмиз. Бугун Андижонимизда 233 та бинокорлик қурилиш саноати корхоналари тўла қувват билан ишлаб турибди.

Юртбошимизнинг барчамизни тўлқинлантирадиган, эзгу ишларга ундайдиган ажойиб иборалари бор: “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!”. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шодиёналарига пешвоз чиқаётган алп Андижон, азамат андижонликлар бу улуғ каломнинг исботини фидойи меҳнатлари, интилишлари, изланишлари билан амалда намоён этмоқдалар...

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

***Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг эзгу нияти. Шу боис бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишта ва фаровон ҳаётни барчамиз ўзимиз учун чин саодат, деб биламиз.***

# ЭЗГУЛИК ВА ИФТИХОР ИФОДАСИ

Бахтимиз шундаки, биз она-юрт тараққиёти бардавом бўлиши учун муносиб ҳисса қўшиш йўлида ҳаракат қилмоқдамиз. Бу истак тинч-хотиржам умр кечираётганимиз, кўнгилда пок ниятлар бисёр эканлиги шарофатидан, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Энг муҳими, бебаҳо миллий қадриятларимиз эъзозланиб, юксак маданиятимиз тобора жаҳон узра танилиб бормоқда. Юртимизда бунёд этилаётган гўзал меъморий иншоотлар, чуқур маъно ва рамзий мазмун-моҳият касб этган бетакрор монументал асарлар бугун жаҳон сайёҳларида ҳавас ва ҳайрат уйғотаётганлиги бунинг ҳаётий исботидир.



Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ғоя ва ташаббуслари билан мамлакатимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Улар орасида пойтахтимизнинг бош майдонида барпо этилган ноёб меъморий ансамбль алоҳида аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз айтганидек, кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб, янгича қиёфа касб этиб бораётган азим Тошкент шаҳрининг маркази — Мустақиллик майдонида замонавий монументал санъатимизнинг ноёб намунаси сифатида тан олинган Мустақиллик ва эзгулик монументини бунёд этганимиз барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Дарҳақиқат, майдоннинг муаззам қиёфаси, унда акс этган теран фалсафий маъно аждодларимиздан мерос улуғ бунёдкорлик салоҳиятимиз, юксак дид ва тафаккуримизни намоён этганлиги билан қимматлидир. Композициянинг бошланиш қисми — Эзгулик аркасида ҳаёт фалсафаси — турналарнинг эркин парвози, осойишталик сабаб бамайлихотир турган лайлаклар ифода этилган. Ушбу кўриниш халқимизнинг Истиқлол йилларидаги маънавий камолоти, иқтисодий ўсиши, жаҳонга юз тутиши, тинч-хотиржам ҳаёт кечираётганлиги ҳақида батафсил сўзлаб бераётгандек таассурот уйғотади. Бош арка маркази — Бахтиёр она ҳайкали ва Ўзбекистон харитаси акс этган Ер курраси монументига эса пок, беғубор ниятлар ифодаси бўлмиш оппоқ мармар йўлакдан юриб борилади. Бу йўлакнинг ҳар икки томонида манзарали дарахтлар, гулзору фавворалар кўр тўкиб турганлигида ҳам ажиб бир ҳикмат бор. Зеро, бу жаннатмонанд заминимиз табиати, қўли гул, боғбон халқимизнинг ғайрату шижоатига ишорадир. Шунинг учунми, ҳар гал бу муаззам майдонга қадам қўйганимизда хаёлни ёруғ ўйлар чулғаб олади. Бу табаррук масканнинг файзу таровати, нодир меъморий ечими ва албатта, маънавий аҳамияти ҳар бир кишини бирдек ўзига мафтун этади. Киши кўнглида шукроналик, ғурур ва фахр ҳисларини уйғотади. Бундай муқаддас туйғулар, айниқса, навқирон авлодни юртга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шу маънода "Мустақиллик ва эзгулик монументи" ҳамда "Эзгулик аркаси" замонавий шаҳарсозлик маданиятининг, монументал санъатнинг ёрқин бир намунаси, миллий ўзлигимизни жаҳон миқёсида намоён эта олган бебаҳо асар сифатида Давлат мукофотига тавсия этилганлиги мақсадга мувофиқдир. Зеро, Юртбошимиз ишонч билан таъкидлаганидек, орадан йиллар, асрлар ўтади, замонлар ўзгаради, лекин ўзининг маъноси ва қиёфаси билан ушбу ёдгорлик мажмуаси нодир ва ўлмас бадиий обида сифатида халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб қолади.

**Рустам ШОКИРОВ,**
**архитектор.**



## Спорт ● Sport ● Спорт

***...Мактабда қўнғироқ чалинган заҳоти нозиккина жуссали бир қизалоқ уйига шошилаётган тенгдошларидан ажралиб қолар ва бу ердан унча олис бўлмаган гимнастика маркази томон йўл оларди. Баъзан дугоналарининг "Сарвина, биз билан юрсангчи, музқаймоқ егани бораяпмиз", деган сўзларига жавобан кулиб қўяр, аммо одатини канда қилмасди.***

# БУХОРОЛИК ЧЕМПИОН ҚИЗЛАР

Устози Римма Хохлова талабчан, қаттиққўл. Интизомни хуш кўради. Вақт қадрини яхши билади. Машғулотларни ўтказиб юбориш ёки унга кечикиб боришни Сарвина сира тасаввур ҳам қила олмайди.

— Бадиий гимнастика билан шуғулланаётганимга тўққиз йил бўлди, — дейди Сарвина Халиқова. — Аммо машғулотларнинг бирортасини ўтказиб юборганимни эслай олмайман. Меҳнатим зое кетмаяпти. Шунисига хурсандман.

Дарҳақиқат, кўпгина соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам баъзан ҳузур-ҳаловатдан воз кечишга тўғри келади. Сарвина шундай йўл тутаётганидан сира афсусланмайди. Чунки спорт туфайли ҳаётда ўз ўрнини топди. Чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Юртимиз донғини дунёга таратишдек бахтга муяссар бўлди. 2006 йилда "Умид ниҳоллари" мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йилги мамлакат чемпионатида унга биринчи ўрин насиб этди. 2010 йилги Осиё чемпионатида мамлакат терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Германияда ташкил этилган халқаро турнирда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Унинг бадиий гимнастика бўйича эришган ютуқлари муносиб баҳоланди. Бухоро шаҳридаги 21-мактабнинг 9-синфини тугатаётган Сарвина жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди...

Сарвина Халиқова, Ҳусниябону Ғуломова сингари бадиий гимнастикачи қизларимизнинг мамлакат ва жаҳон ареналарида эришаётган ютуқлари замирида мамлакатимизда болалар, жумладан, қизлар спортини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор мужассам, албатта. Шу ўринда бир мисол. Биргина ўтган йили вилоятда махсус гимнастика маркази ҳамда 210 та мактаб ва мактабгача таълим муассасасида ушбу спорт турига мўлжаллаб барпо этилган заллар фойдаланишга топширилди.

— Қизлар спортининг оммалашиши учун яратилаётган қулайликларни кўриб, мураббийликни танлаганимга хурсанд бўламан, — дейди стол тенниси бўйича кўплаб ёш иқтидор эгаларига устозлик қилаётган Гулнора Шаропова. — Шогирдларим шу эътиборга жавобан нуфузли турнирларда совринли ўринларни эгаллашаяпти. Масалан, 15 ёшли шогирдим Муаззам Асқарова мамлакат терма жамоаси аъзоси. У жорий йилда Латвия пойтахти Рига шаҳрида стол тенниси бўйича бўлиб ўтган халқаро фестивалда фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Бугунги кунда қайси спорт турини олиб қараманг, унда қизларнинг фаол иштирокини кўрасиз. Бухоролик қизлар спортнинг самбо, таэквондо, кураш каби турлари билан ҳам шуғулланиб, қувонарли натижаларга эришаяптилар. Яқинда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган самбо бўйича мамлакат чемпионатида Рухсора Умидова, Дилдора Ҳалимова ва Света Исмоилова ўз вазн тоифаларида тенгсиз эканликларини исботлаб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат ҳақида тўхталиш жоиз. Спортнинг ўсиб келаётган авлод тарбиясидаги ўрни беқиёс катта. Шифокорларнинг кузатишларича, кейинги беш йил билан таққослаганда, қиз болаларнинг жисмоний ўсиш ҳолатида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берган. Бу эса эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлиб камол топаётганидан, Президентимизнинг соғлом авлод тарбияси йўлида олиб бораётган сиёсати бугунданоқ ижобий самарасини бераётганлигидан далолатдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




"Росагропромснаб" МЧЖ

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

## ОБ-ҲАВО

(15 июнь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 21-23, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Алексей Данилович ГЛУШЧЕНКОнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси доценти

**Феруза Джамиловна АБДУЛИНАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси «Тинчлик» филиали бошқарувчиси Қаҳрамон Адамбаевга волидаи муҳтарамаси

**Ойбиби ҚИЛИЧЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Махфий тартиб бўлим бошлиғи Ф. М. Джаҳонгировага падари бузруквори

**МИРЗАУМАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5